
Маҳалла ёшлари стол тенниси бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди кубоги” мусобақасида беллашдилар

Фурқат тумани маҳаллаларида яшовчи ёшлар ўртасида стол тенниси бўйича “Маҳалла” хайрия жамоат фонди кубоги” мусобақасининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақа “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, ёшлар ишлари агентлиги, спортни ривожлантириш бўлими билан ҳамкорликда ташкилланди.

Мусобақа низомига кўра 13-16 ёшдаги маҳалла ўсмир йигит-қизлар стол теннис баҳсларида фаол курашдилар.

Якуний натижаларга кўра, 1□ ўрин - "Ғунча" маҳалла ёшлари, 2□ ўрин - "Бекобод" маҳалла ёшлари, 3□ ўрин - "Истиқлол" маҳалла ёшлари қўлга киритиши.

Мусобақа сўнгидаги ғолиб совриндорлар ва фаол иштирокчилари туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

“Ғунча” маҳалла ёшлари спортнинг стол теннис бўйича вилоят босқичига қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.

2022-10-26 08:56:55